

Инновацион иқтисодиётда суғурта хизматларини ривожлантиришда давлатнинг роли

Хамроев М.С.

Суғурта хизматлари – бу таваккалчиликка асосланган фаолият тури ҳисобланади. Унда томонлар ўртасидаги мулкӣ манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, содир бўлиши мумкин бўлган риск таъсирини қоплаб бериш назарда тутилади. Бундай фаолиятнинг кенгайиши иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши, мулкчилик муносабатлари ва унга бўлган ҳуқуқнинг тараққий этиши, янгидан яратилаётган қийматнинг ўсиб боришига бевосита боғлиқ бўлади. Суғурта хизматлари кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимот босқичида вужудга келади ва шу билан бирга ушбу жараённинг узлуксиз давом этишига кўмаклашади.

Суғурта хизматларининг ривожлантириб борилиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади. Чунки ушбу хизмат турлари орқали юридик ва жисмоний шахслар фаолиятларидаги турли кутилмаган йўқотишларнинг молиявий таъминоти яратилади. Шу орқали суғурта хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнидаги қиймат яратиш муносабатларининг бардавомлигини молиявий қўллаб-қувватлашга бевосита хизмат қилади.

Суғурта хизматларини ривожлантириш орқали иқтисодиётга қуйидаги йўналишлар бўйича ижобий натижалар содир бўлишини кузатишимиз мумкин:

- муайян рискларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича суғурта хизматлари орқали суғурта ҳимоясининг яратилиши;
- иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг яратилиши ва уларни иқтисодиётни инвестициялаш мақсадида сарфланиши.

Суғурта хизматлари бозорининг ўзига хос товари бўлмиш “суғурта ҳимояси”, асосан, мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлайдиган барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда суғурта билан ҳимояланмаган моддий мулкӣ иншоотлар ёки мулкӣ манфаатлар деярли қолмаган.

Суғурта хизматлари товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ бўлган ва бошқа ҳавф-хатар оқибатлари жавобгарлигини ўз зиммасига олиб, ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилади ва меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, ишлаб чиқариш воситаларини турли тасодифий ҳодиса зарарларидан ҳимоя қилинганига амин тадбиркоргина ўз эътиборини бозор ва рақобат муаммоларига қаратиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтишига қадар суғурта қилиниши мумкин бўлган моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги давлат мулки, касбий жавобгарлик, кредит, тадбиркорлик rischi суғурта ҳимоясидан четда қолган эди. Бундан ташқари, суғурта соҳасида яқка ҳоким бўлган давлат суғурта ташкилотлари бўш суғурта заҳираларини инвестиция қилиш билан боғлиқ операцияларни ўтказиш ҳуқуқига эга эмас

эдилар. Уларнинг маблағларидан асосан бюджет камомадини тўлдириш учун фойдаланиларди.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан бу муаммолар бартараф этила бошланди. Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти билан шуғулланиши махсус ваколатли давлат органи белгилаган шартларда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида расман мустаҳкамлаб кўйилган.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда суғурта компанияларининг фаолияти салмоқли тарзда ривожланган. Тўпланган захиралар уларга йирик инвесторларга айланиш имконини беради. Ғарбдаги суғурта компаниялари ўз суғурта сармояларини жамлаб, илғор техника ва технологияларни жорий қилиш, йирик иншоотлар қуриш соҳасидаги энг кўп сармоя талаб қиладиган дастурларни маблағ билан таъминлашда қатнашмоқдалар.

Суғурта мукофотлари тушган пайт билан суғурта қопламасини тўлаш ўртасида муайян вақт бўлиши мумкин. Бунинг натижасида вақтинча бўш ресурслар вужудга келади ва улар суғурта капиталига айланади. Заҳира ҳажми ва маблағлар жойлаштириладиган муддатлар туфайли суғурта компаниялари ғоят қудратли молия-кредит муассасаларига айланади. Шу сабабли, саноати ривожланган мамлакатларда суғурта хизматлари бозори иқтисодиётга барқарор таъсир кўрсатувчи омил сифатида тан олинган.

Айниқса ҳаётни суғурталаш тармоғида хизмат қилувчи компаниялар ўз хизматларини сотишдан йирик маблағларга эга бўлиб, вақтинча бўш ресурсларни инвестиция қилиш йўли билан ишлаб чиқариш муносабатларини молиявий рағбатлантирадилар, давлат заёмлари ва облигацияларини харид қилиш орқали эса инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳукумат харажатлари ўрнини қоплашда қатнашадилар. Бу эса ўз навбатида иш билан бандлик даражасини оширишга, ички истеъмол ҳажмининг ва умуман ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматлари амалга оширувчилар мамлакат иқтисодий аҳволига ижобий таъсир қилувчи энг йирик инвесторлардан бири сифатида фаолият кўрсатади. Шунинг ҳам айтиш керакки, фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозори сингари бозор инфратузилмалари яхши ишлаб турган ҳолдагина инвестиция фаолиятдан юқори самара олиши мумкин. Шубҳа йўқки, қимматли қоғозлар ва сармоялар бозори ривожланиб борган сари Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори ҳам республика иқтисодиётини ривожлантиришда муносиб ўрин эгаллаб бораверади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилганлиги ва ижтимоий- иқтисодий ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб қабул қилинган Харажатлар стратегиясида келтирилган устувор вазифалар белгилаб олинганлиги давлат бош ислохотчи эканлиги шак-шубҳасиз тан олинди. Шундай экан иқтисодиётнинг барча йўналишларидаги ривожланишларга давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, ривожланишнинг тезкор амалга ошишига мададкор бўлади.

Мустақиллик йилларида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат кўмагига муҳтож эди. Шу муносабат билан суғурта хизматларини тараққий эттириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Мисол учун, айнан суғурта хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг дастлабки ҳуқуқий асоси “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг 1993 йилнинг 6 майида қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислохотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эҳтиёж сезади. Суғурта хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг кенг тарқалган қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш;
- давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларини ташкил этиш;
- мажбурий суғурта турларини жорий этиш;
- солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш;
- малакали кадрларни етказиб бериш ва қайта тайёрлаш;
- ахборот тизими орқали қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Суғурта хизматлари бозорини тараққий этиши албатта давлат томонидан олиб борилаётган давлат суғурта сиёсатига боғлиқ. Бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса иқтисодий юксалиш шароитида турли кўринишдаги рискларнинг мавжудлиги суғурталовчиларнинг суғурта фаолиятини янада такомиллаштиришни, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини оширишни, уларнинг тармоқларини кенгайтириш ва инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантиришни, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни талаб этади.

Ҳозирда давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларининг суғурта хизматлари бозоридаги ўрни юқориликча сақланиб қолмоқда. Бу давлат олдидаги юқори риск мажбуриятларини ўз компаниялари орқали суғурталанишини англатади. Зеро давлат ўз мулки иштирок этган суғурта компанияларининг кафолатини ўз зиммасига олади.

Суғурта хизматлари бозорининг ривожланишида мажбурий суғурта хизматларининг жорий этилиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Мажбурий суғурта хизматларини кўрсатилиши орқали давлат бюджети олдидаги ижтимоий харажатларга тушадиган оғирлик камаяди.

Суғурта хизматлари ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши бу солиқ концепциясига таянган ҳолда

соддалаштирилган солиққа тортиш механизмининг қўлланилишидир. Ҳозирда суғурта хизматларини солиққа тортиш юзасидан бир қатор имтиёзлар амал қилиб келмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби суғурта хизматлари соҳасида ҳам мавжуд. Соҳада малакали кадрлар фаолияти суғурта хизматларининг кенгайишига ва суғурталовчи билан суғурталанувчилар ўртасидаги тушунмовчиликларнинг камайишига таъсир кўрсатади.

Кенг омма ихтиёрига кириб бориши ва ундан фойдаланувчилар сонининг ортишига ахборот хизматларининг ўрни бекиёс. Суғурта хизматлари борасидаги ишончли маълумотларни ўз вақтида кенг жамоатчиликка ахборот узатиш воситалари орқали етказилиб борилиши уларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш истакларини ошириб боришга хизмат қилади.

Айтиш лозимки, суғурта хизматларини ривожлантиришда давлатнинг ролини юқори баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро ушбу соҳанинг ривожланиши орқали давлатнинг ижтимоий харажатларига тушадиган оғирликни енгиллаштириш имкониятлари рўёбга чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси.2018 йил 28 декабр
2. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси.2017 йил 22 декабр
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Тошкент.: Адолат , 2017 йил 15-16 бет
- 4.Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.
- 5.Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. - Т., 2017. 40 б.